

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
юқори бошқарув органининг 20-сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2017 йил “21” август

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Конун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қўйидаги масала бўйича қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

2. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ижроия органи таркибини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринbosари А.С. Шукровнинг ахбороти тингланди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ юқори бошқарув органининг 2017 йил 27 январдаги 14-сонли қарорига мувофиқ чиқарилган номинал қиймати 430 сўм бўлган 381 360 075 дона 163 984 832 250 сўмлик акциялар тўлиқ жойлаштирилди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 июлдаги ПҚ-3147-сонли “Кўмир саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига кўра “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ижроия органи таркибига бошқарув раисининг “Саноат ишлаб чиқариш масалалари бўйича” ўринbosари лавозимини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва хисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон қарорига асосан жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни янги таҳрирда чоп этилиб, “Ягона дарча” марказида рўйхатдан ўтказилади (*жамиятининг янги таҳрирдаги устави илова қилинади*).

Юқоридагиларни инобатта олиб, жамият ягона акциядори қарор қабул қиласди:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги устави иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июл 2017 йилдаги 551-сонли қарорига мувофиқ, Жамият бошқарув раисининг саноат ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринbosари И.Б.Турамуратовни тасдиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан жамият ягона акциядори қарор қабул қиласди:

1. Бошқарув аъзолигига тайинланган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ўринbosари И.Б.Турамуратов билан меҳнат шартномаси тузилсан.

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
акциядори - Давлат активларини**

**бошқариш маркази бош
директори в.в.б.**



Миралиев А.Э.